БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 38 (4137).
15 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИ БАРВАҚТ ВА СИФАТЛИ ҚУРАЙЛИК

14 февраль куни Тошкент шаҳар партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда партия, совет ташкилотларининг, саноат корхоналарининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, «Ташметрострой» трестининг ходимлари ва ер ости магистралини барпо этишда қатнашаётган бошқа коллективларнинг ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари У. Умаров очди.

Йиғилишда Тошкент метроси биринчи линиясининг «Октябрь инқилоби» станциясидан то «Горький» станциясигача бўлган иккинчи участкасини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси П. В. Семёнов қурилишдаги ишларнинг аҳволи, коллективнинг режалари, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар тўғрисида гапириб берди.

Йиғилишда СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли «Главтоннельметрострой» бошлиғи Ю. А. Кошелев нутқ сўзлади. У ўтган йилнинг тўртинчи кварталида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун Ўзбекистон пойтахти метрозаларига министрликнинг ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди. «Ташметрострой» трести ана шу мукофотга сурункасига бешинчи марта сазовор бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари ер ости электричкасининг иккинчи участкасини барвақт ишга тушириш юзасидан Тошкент метроси қурувчилари, бюртмачилари, маҳсулот етказиб берувчилари, лойиҳачиларининг социалистик мажбуриятларини яқдиллик билан маъқуллашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев иштирок этди.

[ЎзТАГ].

19 апрель—коммунистик шанбалик куни



Беш йиллик фондига

— Ҳар йилги анъанага айланиб қолаётган коммунистик меҳнат байрамини коллективимиз бу йил ҳам намунали ўтказиш ниятида,— деди биз билан суҳбатда Тошкент чинни заводи касаба союз комитетининг раиси М. Неъматов.— Шанбаликни уюштириш штабига тўпланган дастлабки маълумотларга кўра, меҳнат байрамида 1600 ишчи ва инженер-техник ходим қатнашади. Шу куни камида 96 минг дона ёки 33 минг сўмлик чинни буюм тайёрланади. Бу маҳсулотнинг бир қисми тежалган хом ашё, материаллар, электр қуввати ва ёнилғи билан ишлаб чиқарилади. М. Умаров бошчилик қилаётган қолиплаш цехининг қоришма тайёрлаш участкаси коллективи; М. Зоҳидова бошчилигидаги пиёла қолинловчилар бригадаси, Г. Зубайрова бошлиқ ёдгорлик буюмлари тайёрлайдиган бригада, Д. Тошхўжаева бошлиқ наққошлар бригадаси беш йиллик планларини доҳий туғилган кун арафасида бажаришга қарор қилишди.

Бундан ташқари кўпгина бригадаларнинг коллективлари ва ишчилар меҳнат байрами куни 1980 йилнинг тўрт ойи планини муддатидан авval бажарганликлари ҳақида рапорт берадилар.

Корхонадаги хизматчилар ва инженер-техник ходимлар шу куни корхона территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадилар. Меҳнат байрами куни топилган иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИЙ.

Пухта ҳозирлик

Москваликларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига 19 апрелда «Қизил шанбалик» ўтказиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаган «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бу санага пухта ҳозирлик кўряпти. Вирлашманинг барча фабрикалари, участкалари, цехлари коллективлари шанбалик учун олдиндан режалар белгилашяпти.

Корхона планлаштириш бўлими бошлиги Р. Маслова кунекеча редакциямизга қўнғироқ қилиб, бирлашма бўйича коммунистик шанбалик куни одатдаги 154 минг сўмлик ўрнига 160 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилинганлигини хабар қилди. Меҳнат байрамида жами 2235 киши қатнашиб, шундан 1785 нафари бевосита иш жойларида меҳнат қилишади. 7 минг сўмлик маҳсулот тежалган материаллар ва электр қуввати, ёнилғи ҳисобига ишлаб чиқарилади. Беш йиллик фондига эса 7,5 минг сўм ўтказилади.

19 апрель куни мебелсозлар истеъмолчиларга 193 та кийимкечак шкафи, 254 та расли каровот, 1700 тадан ортиқ стул, 65 та китоб шкафи, 185 та идиш-товоқ шкафи, 80 та хонтахта ва бошқа буюмларни жўнатиш ниятидалар.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг тус олдираётган лак-бўёқ заводи коллективи тобора кўпчилик ютуқларга эришмоқда. Яқинда корхона партия комитети В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига белгиланган комплекс тадбирлар қандай адо этилаётганини кўриб чиқди. Бу тадбирлар ичида энг асосийси юбилей шарафига 19 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш ҳисобланади. Ўша куни планга қўшимча 2 минг сўмлик фойда олиш, 40 тонна металл парчаларини тўплаш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

Шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида тузилган оммавий-агитация тадбирлари ҳам муваффақиятли амалга ошириляпти. Ўнлаб ишчилар 22 апрель кунигача икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш учун курашяпти.

МУСОБАҚА АСОСИДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларини изчил амалга ошира бориб, коллектив ўртасида социалистик мусобақани тобора кенг кулоч ёйдирмоқда.

Яқинда корхона партия комитетида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда коммунистларнинг масъулиятини кучайтириш, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олиш режалари муҳокама этилди. Бунда партия комитетининг секретари Ш. Акбаров мавжуд аҳвол ва белгиланган тадбирлар ҳақида атрофлича гапириб берди. Айниқса Робия Султонхонова бошчилик қилаётган 6-цех коллективи мусобақада намуна бўлмоқда. Бу цех коллектив цехлараро мусобақада олти марта ғолиб чиқди. Беш йиллик топшириғини ўтган йилнинг сентябрь ойидаёқ адо этди. Л. Казарова, А. Кузьмина, В. Олимжонова ва бошқалар ўзлари меҳнат қилаётган цехларда коммунистлар, ишчиларнинг масъулиятни ҳис қилиб ишлаётганликлари, ўз тажрибалари ҳақида ҳикоя қилиб беришди.



Тўқувчи Анна Алексеевна Притулло ўттиз йилдан буён «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида баракали меҳнат қилиб келяпти. У корхонада биринчилар қатори доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, бу шонли санага қадар шахсий беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилди.

Ғ. Загратдинов фотоси.

ЛЕКЦИЯ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ XII КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Жамиятнинг аввал бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясидан кейин уч йил вақт ўтди. Ана шу даврда мамлакат, республика, шаҳар ҳаётида бир қатор муҳим воқеалар рўй берди. Тошкент меҳнаткашлари беш йиллик вахтасида янги ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Барча ишлар ва ташаббусларда лекторлар партия сўзини оммага етказиб айниқса актив иштирок этдилар. Ишчилар ва инженерлар, олимлар ва ўқитувчилар, партия ва совет ходимлари, касаба союз ва комсомол активистлари, адабиёт ва санъат арбоблари жамиятнинг аъзолари сифатида билимларни халққа сингдирдилар, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини пропаганда қилдилар, социалистик она-Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун КПССнинг чексиз ғамхўрлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердилар, кишиларда коммунизм бунёдкорининг энг яхши ҳислатларини тарбияламоқдалар.

Кеча «Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида жамият ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолияти, уларнинг янги вазифалари ва режалари, лекция ишлари самарадорлигини оширищ йўллари ва усуллари тўғрисида жиддий гап борди. Правление раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаев қилган докладда, делегатларнинг сўзларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, шаҳар партия ташкилоти лекция ишларига катта эътибор бермоқда, лекция пропагандасининг сифатини ошириш, унинг янги кишини тарбиялашдаги роли тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда.

Ҳозирги пайтда жамият сафларида 22 мингдан зиёд Тошкентлик бор. Шу жумладан, улар сафида СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг 84 академиги ва мухбир аъзоси, 542 фан доктори ва профессор, 4 минг фан кандидати, 5 юздан зиёд партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари бор. Улар ҳар куни 130 мингдан зиёд лекция ўқишяпти.

Жамиятнинг шаҳар, ранон ва бошланғич ташкилотлари ишида марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, ўртоқ Л. И. Брежнев, партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари асарларида ишлаб чиқилган илмий коммунизмнинг актуал масалаларини чуқур тушунтириш асосий ўринни эгалламоқда. Илмий-техникавий ва ижтисодий билимларни пропаганда қилишга ҳам катта ўрин бериляпти. Ўтган уч йил ичида ана шу мавзуларда 39 минг сўхбат ўтказилди. 10 мингдан зиёд лекция социалистик мусобақа, ёшларнинг меҳнат тарбияси ва касб танлаш масалаларига бағишланди. Бу ишда олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроларининг олимлари ва ўқитувчилари актив иштирок этишяпти. Бунда лекторий, лекциялар туркуми, халқ университети сингари лекция пропагандасининг доимий формаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Жамият фаолиятининг турли йўналишлари бўйича амалий ишда — адабиёт ва санъатни, медицина, ҳарбий билимларни пропаганда қилиш ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда яхши самара беряпти.

Турар жойларда лекция ишлари яхшиланди, тобора кенг қулоч ёйди. Клуб муассасаларида, боғ, дам олиш зоналари, маҳалла ва микрорайонларда халқ университетлари, лекторийлар ҳамда лекция пропагандасининг бошқа доимий ишловчи формалари кўпроқ ташкил этилмоқда.

Шаҳарда узоқ йиллар мобайнида халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторларни тайёрлаш икки йиллик курслари ва семинар, атеист лекторларни тайёрлаш семинари, илмий-техникавий билимларни пропаганда қилувчи лекторлар учун доимий ишловчи лекторий муваффақиятли иш олиб бориляпти. Жамиятнинг кўпгина аъзолари, айниқса ёшлар лекторлик маҳорати университетида, шаҳар партия комитетининг марксизм-ленинизм университетида, ёш лекторлар мактабларида шуғулланмоқдалар. Шаҳар ташкилоти правлениеси қошида ташкил этилган 15 та илмий-методик кенгаш лектор кадрлар билан иш олиб бормоқда. Уларда жамият район ташкилотларининг 50 дан зиёд методик секциялари, 300 дан зиёд олим ва мутахассислар шуғулланмоқда.

Докладчи ва музокара қатнашчилари — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг илмий секретари Ю. Н. Абдуллаев, Ҳамза район партия комитетининг секретари Н. Н. Иброхимова, тарих фанлари доктори СССРнинг ташқи сиёсатини ва халқаро муносабатларни пропаганда қилиш бўйича илмий-методик кенгаш раиси А. М. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг раиси Н. И. Симашова, халқ университетлари шаҳар кенгашининг раиси Х. Х. Абдураҳмонов ва бошқалар жамият ташкилотларининг жанговарлигини янада ошириш, уларнинг сафини тажрибали лекторлар билан мустаҳкамлаш масалаларига асосий эътиборни қаратишди. Шу муносабат билан бир қатор камчиликлар, уларга барҳам бериш йўллари айтиб ўтилди.

Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш, меҳнат унумдорлигини, самарадорлик ва иш сифатини ошириш, материал ва энергия ресурсларини тежаш-тергаш сингари масалалар ҳали лекцияларда старлича ёритиб берилмаяпти. Илғорларнинг тажрибалари етарлича самарали пропаганда қилинмаётир. Унча катта бўлмаган коллективларда лекциялар кам ўқиляпти. Суҳбат ва докладларнинг сифатини назорат қилиш бўш. Лектор қадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш системасини янада такомиллаштириш зарур. Бошқа шунга ўхшаш камчиликлар ҳам бор. Уларга барҳам бериш устида ҳали кўпгина ишлар қилиш лозим.

Олдинда партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, Тошкент меҳнаткашларини беш йилликни зарбдор якунлашга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш юзасидан катта ишлар турибди. Лекция пропагандаси муҳим вазифа— Ўзбекистон пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш вазифасини ҳал этишга актив ёрдам бермоғи зарур.

Ревизия комиссияси раисининг ўринбосари Я. Е. Фильгус «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботини берди.

Конференция лекция ишларининг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган қарор қабул қилди.

Конференцияда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов сўзга чиқди.

Конференция ишида «Билим» жамияти республика ташкилоти правлениеси раиси С. К. Зиёдуллаев қатнашди.

* * *

«Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениесининг янги состави сайланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаев правление раиси қилиб сайланди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Тошкентда республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар билан учрашувлар юксак меҳнат ва сиёсий активлик вазиятида ўтмоқда.

Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига 1-сайлов округидан депутатликка номзоди кўрсатилган «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси **Г. М. Оқилова**, 2-сайлов округидан номзоди кўрсатилган Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари **Б. Ғ. Халилов**, 44-сайлов округидан номзоди кўрсатилган Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари **В. А. Афонин** билан бўлган учрашувлар активлик руҳида ўтди.

* * *

Пойтахтнинг Киров районидаги 56-ўрта мактабда сайловчилар ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига 85-сайлов округидан депутатликка номзоди кўрсатилган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи **И. Ғ. Сатторов**, ҳалқ депутатлари Киров район Советига депутатликка номзодлар: 16-сайлов округидан 11-«Висотстрой» трести 76-қурилиш бошқармаси бўёқчиси **Г. Н. Миронова**, 125-сайлов округидан район озиқ-овқат савдоси бўлими директори **А. Исломов**, 127-сайлов округидан «Ўзбексельмаш» заводи токари **Р. Г. Валиаҳмедова**, 128-сайлов округидан «Ўзбексельмаш» заводи ўймакори **А. Риҳсибоев**, 129-сайлов округидан геология институти директори, Ленин мукофоти лауреати **И. Х. Ҳамробоевлар** билан учрашдилар.

Сайловчилар ўз номзодларига наказлар беришди, 24 февраль куни коммунистлар билан партиясизлар блокининг яқдиллиги учун ҳамма бирдек овоз беражагини айтдилар.

Депутатликка номзодлар номидан И. Ғ. Сатторов сўзга чиқди. У учрашув қатнашчиларига миннатдорчилик билдирди ҳамда уларнинг юксак ишончини оқлаяжаклиқларини айтди.

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

Шаҳар партия комитети Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг раҳбарлиги билан ҳамкорликда КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори асосида милиция участка инспекторлари ишларини такомиллаштириш бўйича семинар-кенгаш ўтказди.

Семинар ишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов, Ўзбекистон КП шаҳар комитети маъмурий органлар бўлими мудири В. Т. Покутнев, шаҳар прокурори Ғ. Б. Бухоров, СССР ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрликлари вакиллари, СССР Ички ишлар министрлиги олий мактаби ва милиция ўрта мактаби профессор-ўқитувчилари қатнашдилар.

Семинарда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция-генерал майори И. Ғ. Сатторов «КПСС Марказий Комитети қарори асосида милиция участка инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар участка инспекторлари ишининг ижобий жиҳатларини қайд қилиб ўтдилар, уларни янада яхшилаш ҳақидаги фикрларни ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлиб, улуғ доҳий туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган янги экспонатлар ва материаллар билан танишдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ХАНОЙ. Вьетнамнинг шимолий вилоятларида экиш кампанияси қизғин бормоқда. ВСР Марказий статистика бошқармасининг хабарига кўра, 356 минг гектар майдонга шоли экилди, бу эса экиш учун мўлжалланган майдоннинг қарийб ярмини ташкил этади. Айни пайтда бошқа баъзи бир озиқ-овқат экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

● ПНОМПЕНЬ. Кампучия пойтахти чорраҳаларида қўлларига қизил бойчи ва эмблема тақиб олган, милиция формасидаги йигит ва қизлар пайдо бўлди: Пномпенда ҳаракат хавфсизлиги хизмати ташкил этилди.

● ВЬЕНТЬЯН. Бу ерда Лаос касаба союзлари федерацияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми ўз ишини тугаллади. Пленум касаба союзлари аъзоларининг мамлакат 1980 йилга мўлжалланган халқ хўжалик планини бажариш борасидаги вазифаларини муҳокама қилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан Дехлида бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кеча Москвага қайтиб келди.

● 1980 йил 12 февраль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—1164» учирилди.

● «Муддатидан илгари қурамиз — муддатидан илгари ўзлаштирамиз» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида қурашаётган Чили халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан совет ёшлари ҳарбийлар диктатурасига қарши курашаётган Чили ватанпарварларининг қаҳрамонликлари ҳақида сўзладилар. Жаҳонининг турли мамлакатларидан келиб, Тошкентда билим олаётган ёшларнинг вакиллари ҳам Чили халқи билан бирдамликларини изҳор қилишди. Митинг қатнашчилари институт агрономия факультетининг 5-курсида таълим олаётган чилилик студент Луис Урибани қизғин кутиб олишди. У ўз халқининг бошига тушган оғир зулм ва ана шу зулмга қарши ватанпарварлик кураши ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

●

«Тошкент библиофили» — нодир китобларни инғувчи ҳаваскорларнинг янги шаҳар клуби шундай деб аталади.

Клубнинг биринчи мажлисига кўпгина ташаббускорлар йиғилишди. Шунингдек, олимлар, ишчилар, бинокорлар, студентлар меҳмон бўлишди. Клубнинг ташкилотчиларидан бири ТошДУ доценти С. Зиннн китобсеварлар ҳаракатининг ҳозирги даврдаги вазифалари ҳақида сўзлаб берди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига мамлакатимизда доҳийнинг ҳаёта ва фаолиятига бағишланган қатор митти совға китоблари нашр этилянти. Ленинома нашрлари ҳақида совға китоблари секцияси раиси Д. Биховский сўзлади. ТошДУ доценти Ҳ. Олимжоновнинг чиқиши китоб тарихига бағишланди. Йиғилганлар китобларни безатиш юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ҳозир шаҳримизда китобсеварлар жамиятининг 1000 га яқин бошланғич ташкилоти, 341 коллектив аъзоси бор. Улар ўз атрофларига 78 минг турли насб эгаларини ва 40 мингдан ортиқ ўсмирни бирлаштирган.

Бугун

Куйбишев районидаги 64-мактабда Ҳамза номидаги музика билим юрти қошидаги рус халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти бўлиб ўтди. Концерт шаҳар ва район Советлари депутатлигига кандидатлар билан учрашувдан кейин уюштирилди.

Оркестр программаси ранг-баранг қилиб тузилган. Кечада рус халқ куйлари, Н. Будашкин, А. Холминов, Ф. Назаров, М. Ашрапий, С. Юдаковнинг асарлари янгради. Оркестр ижрочиларининг барчаси ўқувчилар бўлиб, улар га педагог Т. А. Хомяков дирижёрлик қилишти. Ўқувчилардан А. Ҳайдаров, Ю. Назаров, М. Бойков ижрочилик маҳоратини, айниқса, яхши эгаллашган.

Коллектив корхоналар, олий ўқув юртлари ва колхозларда ҳам концертлар кўрсатиш тадбирларини кўришти.

●

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ташкил этилган «Ленин номи билан коммунизмга» лекторийсининг машғулотига ҳунар-техника таълими системаси ходимлари келишади.

Йиғилганлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице президенти, академик Э. Ю. Юсуповнинг «В. И. Ленинниинг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» хати ва унинг Ўзбекистон меҳнаткашлари тақдиридаги тарихий аҳамияти» мавзуидаги лекциясини тинглашади. Кеча охирида доҳийимиз В. И. Ленинга бағишланган ҳужжатли фильм кўрсатилади.

●

Куйбишев номли маданият уйидаги агитпунктда ёш сайловчилар кечаси уюштирилади.

«Улар биринчи марта овоз беради-лар» шиори остида ўтказиладиган ана шу кечада халқ депутатлари шаҳар ва район Советларига номзоди кўрсатилган ишлаб чиқариш пешқадамлари ҳам иштирок этишади. Улар ёшларга партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини яхшилаш борасидаги ғамхўрликлари, ўз коллективларининг меҳнатдаги ютуқлари ҳақида сўзлаб беришади. Маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан кеча иштирокчиларини мамнун этишади.

Эртага

Шаҳримиздаги 57-ўрта ҳунар-техника билим юртида таълим олаётган вьетнамлик ёшлар ўзларининг Янги йил байрамларини нишонлашади.

Ҳозир ана шу билим юртида қаҳрамон Вьетнам халқининг 53 фарзанди ҳунар ўрганяпти. Улар Вьетнам календари бўйича Янги йил байрамини ўзбекистонлик тенгқурлари ва ўқитувчилари билан биргаликда шод-ҳуррамлик билан нишонлашади. Кечага ҳунар-техника таълими республика маданият уйи қошидаги «Тонг» эстрада коллективининг садиий ҳаваскорлари файз киритишади.

● Вагонлар бир минут ҳам бекор турмасин

Номақбул одат

Кеча Тошкент темир йўл станцияларида 7 та вагон бўшатилмай қолди. Кўриниб турибдики, бу ерда юки билан тунайдиган вагонлар ўтган ҳафтадагига нисбатан анча камайди. Бу ўзгариш темир йўл транспорти ишига тўғаноқ бўлаётган кўпгина корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини тартибга чақирган шаҳар ва район штаблари ходимларининг хизмати натижасидир. Бугунги кунда битта ҳам вагоннинг муддатидан ортиқ юки билан туриб қолиши эътибордан четда қолмаяпти. Ҳатто, шанба, якшанба кунлари ҳам штаб-лардаги навбатчилар станциялардан вагонлар обороти ҳақида ахборотлар олишади. Агар юк қабул қилувчилар вақтида юк учун келмасалар, улар билан телефон орқали боғланиб, бу ишни дарҳол амалга ошириш талаб этилади.

Лекин нуқсонни тўла бартараф этишга ҳозирча эришилгани йўқ. Жумладан, 13 февралла Салор станциясида 3 та очиқ вагон ғишти ва кўми билан туриб қолди. Бу юклар экскаватор заводи адресига (директори Р. Ражабов) келганди. Мана уч кундирки, Қизил Тўқимачи станциясидан 1-пойафзал фабрикаси (директори С. Аюпов) резинани олиб кетмаяпти. Корхона раҳбарлари эса вагон станцияга келганлиги ҳақида хабар-лар.

12 февралдан бери Яланғоч станциясида 3 та вагон юки билан турибди. Бу вагонлардаги ускуналар трактор заводи учун (директори Н. Мусин) юборилган. Корхонада юк келганлигидан огоҳ бўлишса ҳам, тарки одат—амри маҳол деганларидек, вагонларни тезроқ бўшатишга шошилишмаяпти.

• Беш йиллик қаҳрамонлари — бизнинг сафимизда

Комсомоллар шижоати

Корхонамизда ҳозирда 800 дан ортиқ йигит ва қиз «Беш йилликка — ёшларнинг иланиши, маҳорати ва зарбдор меҳнати» шиори остида меҳнат қилянти. Ўзига ёшларни бириктирган 50 та коллективдан 31 тасига «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак ном берилди. Беш юзга яқин ёш ишчи эса «Коммунистик меҳнат зарбдори» ҳисобланади. Шуниндек, 175 нафар комсомол-ёш бугунги кунда 1985 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига, 26 нафар комсомол эса 1982 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

Заводда янги пахта териш машинасининг давлат Сифат белгисига тавсия этилиши муносабати билан комсомол-ёшлар «Пахта териш машинасига — комсомолларнинг сифат кафолати» шиори остида меҳнат қилишга киришдилар. Ҳозирда 311 нафар Ленин комсомоли аъзоси шахсий белги билан маҳсулот тайёрлаяпти. Ёшларимиз доимо ижодий изланишда. Бунинг самараси чакки эмас. Ўтган йили улар томонидан 138 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 30 минг сўмлик иқтисодий самара олинди.

Айни кунларда комсомол-ёшлар бригадалари Москва ва шаҳримиз илғор меҳнат коллективларининг доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ташаббусига қўшилиб, баракали меҳнат қилмоқдалар. Юбилей-олди мусобақасида В. Штан, В. Шулицкий, Ҳ. Ҳошимов, В. Виткин, Т. Дейник бошлиқ бригадалар карвонбошилик қилишяпти. Бу коллективларнинг кунлик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кун сайин юксалиб бормоқда.

Яқинда ВЛКСМ XVIII съезди делегати, токарлар бригадаси бошлиғи Ҳ. Ҳошимов бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи «Беш йиллик қаҳрамонлари — бизнинг сафимизда» ташаббуси билан чиқдилар. Улар заводнинг қалдироғоч ва ҳозирдаги кекса ишчиларидан бири, Ленин ордени кавалери Ўртай Қўшанбоевни ўз сафига фахрий аъзо қилиб қабул қилишди. Натижада улар ўз зиммаларига ошириган соцмажбуриятлар олиб ишлашмоқда. Ташаббускорларнинг сафи тўлиб бораяпти. Кўплаб бригадалар ана шу шиор остида юксак унум билан меҳнат қиляптилар.

Завод партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини оширишга катта аҳамият бермоқда. Мусобақа якунлари ҳар ойда ва ҳар бир кварталда ўтказилянти. Комсомоллар ўртасидаги мусобақага эса Улуғ Октябрнинг 62 йиллиги арафасида якун ясалади.

Н. ШАРОПОВ,
К. Е. Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводи комсомол комитетн секретарн.



Лоҳутий кўчасида автомобиль ва йўллар институти учун янги бино қурилянти. Объектда 8-қурилиш трести 2-қурилиш бошқармасининг М. Ким етакчилик қилаётган бригада аъзолари ибратли ишлашяпти.

СУРАТДА: бригада аъзолари.

В. Ганаго фотоси.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ТО ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. БОБОХОНОВ: Самолёт ва поезд билетини уйга келтириб бериш учун телефонда буюртма бериш мумкин, деб эшитдим. Айтингчи, бундай билетлар жўнатишдан неча кун олдинга сотилади?

Жавоб: Поезд билетлари учун буюртмалар жўнашдан 5 кун олдиндан бошлаб 12 кунгача қабул қилинади. Бунинг учун 32-48-45 ва 32-49-31 телефонлари орқали уйга келтириб бериш учун буюртма олинади.

Самолёт билетлари учун эса марказий линияларга учишдан беш кун олдин 15 кунгача, маҳаллий линияларга эса учишдан 5 кун олдин 10 кунгача буюртма беришингиз мумкин. Бунда албатта бўш ўринлар ҳисобга олинган ҳолда уйга келтириб бериш учун буюртма қабул қилинади.

Телефон орқали самолётга билет буюртираётганингизда паспортингизнинг серия номерларини ҳам айтишингиз лозим. Буюртмалар 41-80-11 телефони орқали қабул қилинади.

* * *

Б. САНАҚУЛОВ: Мен пахта, синтетика ва бошқа материаллардан тикилган кийимларни бошқа рангга бўяттириш мумкин, деб эшитдим. Айтингчи, бундай ишлар учун қаерга мурожаат қилиш лозим?

Жавоб: Шаҳримиздаги «Химчистка» фабрикасида кийимларни химиявий усулда тозалашдан ташқари бўяттириш ҳам мумкин. Бунинг учун Западная кўчасидаги 1-уйда жойлашган фабрикага («Самарқанд» автостанцияси яқинида, 57-э, 18-автобуслар, 7, 14, 24-трамвайларда борилади) ёки фабриканинг пойтахтимизнинг кўпчилик жойларидаги қабул пунктларига мурожаат қилинг. Бундай қабул пунктлари ЦУМ ёнида, Ленин проспектида, Юнусободнинг В—4 микрорайонидаги 8-уйда ва бошқа жойларда мавжуд.

* * *

Қ. ҚОБИЛОВ: Шаҳримизда «Мебель» фирма магазини очилган экан. Ана шу магазинга қайси транспортда бориш мумкин?

Жавоб: Сиз сўраган магазин Юнусобод турар жой массивининг марказида — бозор рўпарасида жойлашган. У ерга 72-автобус, 23, 28, 29-трамвайда бориш мумкин.

«Мебель» фирма магазинидан республикамиз мебель саноати корхоналарида тайёрланган энг яхши буюмларни харид қилиб олиш мумкин.

* * *

С. МИРГИЁСОВ: Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси қачон ташкил этилганлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Ўртоқ» фабрикаси республикамизда ташкил этилган биринчи кондитерлик корхонасидир. Конфет ишлаб чиқарувчи усталар артель фабрикага айлантирилганига 50 йилдан кўпроқ бўлди. Ҳозир бу ерда ўнлаб хил қандолатчилик буюмлари ишлаб чиқарилаяпти.

* * *

М. СОБИРОВА: Менинг олтинчи синфда ўқийдиган ўғлим туризмга жуда қизиқади. Шаҳримизда болалар туризми тўгараклари борми?

Жавоб: Сизнинг фарзандингиз шаҳар ёш туристлар станцияси қошидаги тўгараклардан бирида шуғулланиши мумкин. Бу ерда ўлкани ўрганиш, фото, ҳайкалтарошлик ва бошқа тўгараклар ишлаб турибди. Тўгараклар-нинг ҳайкатншчилари турли жойларга ва тоғларга экскурсияларга тез-тез чиқиб туришади.

Станция Октябрь районининг Гулираъно кўчасидаги 3-уйда жойлашган. У ерга 72-автобус, 23, 28, 29-трамвайда бориш мумкин.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Ленинномa кўргазмаси

Доҳиймиз В. И. Ленин Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдирига алоҳида эътибор берган эди.

Буюк доҳиймиз, айни пайтда Туркистон меҳнаткашларига ғамхўрлик билан қараб, ўзининг бир қатор асарларида бу қарашни ифодалаган эди. В. И. Ленининг бу мактублари орасида, айниқса, 1919 йил ноябрь ойида «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» атаб ёзилган хати алоҳида аҳамият касб этади.

Муҳими шундаки, бу хатда доҳийнинг давлат арбоби сифатидагина эмас, балки оддий, айни пайтда донишманд кишиларгагина хос бўлган қатор фазилатлари ҳам ўз ифодасини топгандир. Хатда бундай дейилади:

«Ўртоқлар! Менга Халқ Комиссарлари Совети ва Мудофаа Совети Раиси сифатида эмас, балки партия аъзоси сифатида сизларга мурожаат қилишга рухсат этингиз».

Бу хат яқинда доҳий таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб «Ленин—доҳий, ўртоқ, инсон» деб номланган китоб-иллюстрация кўргазмасига қўйилди. Бу кўргазма А. Навоий номидаги республика давлат кутубхонасининг кўргазмалар залида ишлаб турибди.

«Буюк ғоявий мерос», «Катта ҳаёт сақифалари», «Ленин бизни ғалабага бошлади», «Ленин ва Ўзбекистон», «Ленин санъат ва адабиёт оламида», «Дунё Ленинни ўқийди» каби ном остига ўзбек, тожик, кирғиз, рус ва 40 дан ортиқ чет тилларидаги 700 дан зиёд китоб, альбом, плакат ва фотосуратлар қўйилган.

Китобхонлар дастлаб «Буюк ғоявий мерос» бўлими билан танишади. Унда доҳийнинг дастлабки нашрларидан энг сўнгги нашрларигача бўлган китобларн қўйилган. Булар орасида «Лев Толстой ҳақида», «Ёшлар союзининг вазифалари тўғрисида» каби асарларни кўриш мумкин.

Д. ТУРДИЕВ.



СУРАТДА: «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-ишлаб чиқариш корхонасининг 3-цехи пешқадам новвойи, коммунистик меҳнат зарбдори Зоид Зокировни кўриб турибсиз.

Қ. Исоқов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми ХАТЛАР

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Юксак унумдорлик билан

Куйбишев шоссеси ва 1 Май кўчаси кесишган чорраҳада яна бир бино бўй чўзмоқда.

— «Средазхимремстроймонтаж» трести ва инженерлик-лаборатория корпуси жойлашадиган ушбу бино етти қаватдан иборат бўлади, — дейди прораб С. Кандатян. — Уни «Главташкентстрой» 11-«Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг бинокорлари барпо этишмоқда. Бино бир минг 38 квадрат метр ер сатҳини ишғол этиб, чиройли архитектура кўринишига эга бўлиб, кўча кўркига чирой қўшади.

Объектда ишлаётган бригада бошлиғи ўрта бўйли, телпагининг остидан жингалак сочлари осилиб турган, хушчақчақ йигит экан. Ун тўққиз нафар ёш қурувчини бирлаштирган бу коллективга икки йилдан бери Александр Игошкин етакчилик қилади. Бригада доим норма-ни ортиғи билан бажаради. Зеленоградлик машҳур қурувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи бўйича иш юритаётган коллектив объектнинг «ноль» қисмида темир-бетон колонналарни ўрнатиш, ригелларни пайвандлаш билан шуғулланмоқдалар. Пайванд ишларини моҳирона бошқараётган Анатолий Соколов ва Петр Гараев кабилар бошқаларга ўрнак бўлмоқдлар. Улар ёш-ларга устозлик қилиб, электр пайвандчилик касби сирларини ўргатишяпти.

Александр Игошкин етакчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси ўтган йили Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройи қурилишида меҳнат қилаётган Т. Кожекаев бошлиқ бригада қурувчиларини социалистик мусобақага чақиришди, юксак натижаларга эришишди.

Икки бригада раҳбарлари бир-бирларининг объектларида бўлиб, иш вақтидан унумли фойдаланиш, юқори кўрсаткичларга эришиш йўлларини ўргандилар ва тажрибаларини бригада аъзолари билан ўртоқлашдилар. Коллектив бу йил республикамизда улкан кино-концерт зали қурилишида ишлаётган А. Варшуков раҳбарлигидаги бригадани социалистик мусобақага чақирди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб 1980 йил 19 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиққан илғор корхоналар ва ташкилотлар коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг мурожаатидан руҳланган комсомол-ёшлар шу куни объектда ўнта колонна ва 15 та ригелни монтаж қилишга, тежалган қурилиш материаллари ва электр энергия билан ишлашга, юксак унумдорликка эришишга қарор қилдилар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

• Соғлигингиз — бойлигингиз

ИШЧИ ФАРОҒАТИНИ ЎЙЛАБ

КПСС XXV съезди социал тараққиётнинг ва халқ турмуш даражасини кўтаришнинг кенг программасини белгилаб берди. Бу программа совет кишиларининг меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлигини сақлаш борасидаги янгича тадбирларни ўз ичига олади.

Ишчи ва хизматчиларнинг соғлигини яхшилаш, дам олиш кунларини кўнгилли ўтказиш, уларга яхши маиший шароит яратиб бериш соҳасида бизнинг фабрикамизда ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили бу борада қилинган ишлар кўлами ҳар йилгидан салмоқли бўлди. Сирдарё бўйидаги дам олиш базамизда фабрикамиз механизаторлари кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилди: 30 ўринли дам олиш уйи намунали жиҳозланган. Телевизор, радио ва янги газета, журналлар дам олувчилар ихтиёрида. Бир нечта қайиқ дам олувчиларнинг ихтиёрига берилган. Бу ерда кишилар физкультура бўйича инструктор В. Рябов бошчилигида физкультура ва спорт билан шуғулланадилар. Шахмат-шашка мусобақалари ўтказилиб турилади. Ўтган йили отпуска мавсумида кўплаб ишчиларимиз бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Меҳнатчиларимиз ва уларнинг болалари ёзги каникулларини қувноқ ўтказишни учун Хўжакентда пионер лагеримиз бор. Ўтган йили бу ерда 917 нафар ўғил ва қиз ёзги каникулини қувноқ ўтказиб қайтди.

Маълумки, сифат ва самарадорликка эришишда, корхона коллективи кўзлаган марраларни эгаллашида ишчиларнинг соғлиги, кайфияти муҳим роль ўйнайди. Ана шунинг учун ҳам фабрикамиз ишчи ва хизматчиларининг соғлиги тўғрисида қайғуриш бизнинг асосий вазифамиздир. Ҳар йили ишчиларимиз ёзги отпускаларида Иттифоқимиздаги турли дам олиш уйларига, санаторийларга, профилакторийларга боришади. Жумладан, ўтган йили 300 га яқин ишчи ва хизматчи Болтиқ бўйи, Исиқкўл ва бошқа гўзал жойлардаги пансионатларда, дам олиш уйларида бўлишди. Бундан ташқари, шанба ва якшанба кунларини кўнгилдагидек ўтказиш учун тез-тез республикамизнинг ҳуснманзара, хушҳаво жойларига экскурсиялар уюштириб турамиз.

Яна бир муҳим тадбир — корхонамизда йил давомида пархез талаб ишчиларни пулсиз овқатлантириш йўлга қўйилганлигидир. Фабрикамизда жами 57 киши ҳар куни икки марта бепул овқатланади.

Ишчи ва хизматчиларнинг соғлигини яхшилаш ишларини изчил борича яхши йўлга қўймоқда. Яқинда янги саломатлик пункти ишга туширилади. Унда мохир врачлар меҳнатчиларимизнинг саломатлиги йўлида хизмат қиладилар. Бир сўз билан айтганда, корхонамиз маъмурияти ишчи ва хизматчиларимизнинг соғлиги ва уларнинг дам олиши тўғрисида оталарча қайғурмоқда.

З. КАМАЕВА,
Тошкент каноп фабрикаси касаба союз ташкилотининг раиси.

Газетхон таклиф этади...

Таксофон ва почта қутиси керак

Собир Раҳимов районидаги Чиғатой дарвоза бекати аҳоли жуда гавжум жойлардан бири. Аммо бу ерда бирорта ҳам автомат телефон будкаси йўқ. Зарур пайтда қўнғироқ қилиш учун аҳоли таксофон ахтариб вақт кетказади. Бундан ташқари, илгарилари бу ерда шаҳар учун хат ташланадиган почта қутиси бўларди. Ҳозир у ҳам йўқ. Бундай почта қутисини топиш учун ҳам шаҳар марказига тушишга тўғри келади.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармаси ва Собир Раҳимов район алоқа узели раҳбарлари бунга эътибор беришса, аҳоли учун катта қулайлик яратилган бўларди.

А. ТОЛИПОВ,
ишчи.

...танқид қилади

Сарсонлик-саргардонликда

1980 йил учун кўпгина газета-журналларга обуна бўлган эдим. Обуналар келавермагач, бу ҳақда Октябрь районидаги 86-алоқа бўлимига мурожаат қилдим. У ердан сизнинг ҳужжатларингиз 71-почтага ўтказилди деган жавоб беришди. 71-почтадагилар эса бизга келгани йўқ, дейишди. Охири район «Союзпечать» агентлигига мурожаат қилдик. Шундан сўнг «Совет Ўзбекистони» газетасини ола бошладик. Аммо ҳалигача «Тошкент оқшоми»ни олодмаяпмиз. Бу ҳақда почта билан «Союзпечать» бўлимига қатнайвериб роса сарсон бўляпман.

Хўш, бу аҳвол қачонгача давом этади? Обунага ёзилган газеталарни олиш учун яна қанча сарсон бўлишим керак?

Балки бунга шаҳар «Союзпечать» агентлиги раҳбарлари жавоб беришар?

Октябрь районидаги Сирдарё кўчаси, 1-Чарх-наво проездининг 52-уйида яшовчи:

Р. УМУРЗОҚОВ.



Узбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи шу кунларда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: шу корхонанинг пешқадам ишчиси Зумрад Миркомиловани кўриб турибсиз.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

Ҳамкуласиз, кўясиз

«Размеримни ўзгартир-моқчиман»

Алижон лўкиллаб югуришнинг хосияти ҳақида ўқиганидан кейин шу машғулотга қизиқиб қолди. Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, ишни спорт формаси олишдан бошлаш керак экан. У шундай қиладиган бўлди. Шанба куни трамвайга ўтириб магазин айлана бошлади.

— Спорт формаси борми?

— Кўриб турибсиз-ку, танлаверинг.

— Танлаганим билан менинг размерим йўқ-да.

— Демак, йўқ экан-да!

Алижон бир магазиндан чиқиб бошқасига борди. Яна ўша манзара. Энг кичиги 42, катталари 52 размердан 56 гача бўлган қопдек формалар тахланиб ётибди. Фақат унга лойиғи йўқ.

— 46-размерли спорт формаси борми?

— Кўриб турибсиз-ку, 46, 48-размерлар топилмайди. Костюм олганда ҳам билмаганмисиз?

— Билганман. Менинг размеримдаги костюмлар топилмайди. Топилса ҳам энг ёмон тикилганлари қолади.

Магазиндагилар кулишди:

— Биз нима қилайлик. Размерингиз ходовой.

— Мен нима қилай? Размерим ходовой бўлса яланғоч юрайми? Спорт формаси қидириб ярим шаҳарни айланиб чиқдим.

— Иложи бўлса размерингизни ўзгартиринг, — дейишди магазиндагилар ҳазил қилиб. — Кўпроқ ҳамир овқат есангиз семирасиз. Яхшиси чопиш билан эмас, турникка осилиш билан шуғулланинг. Бўйингиз чўзилади.

Алижон хуноб бўлганича шаҳарнинг қолган ярмисини ҳам айланиб чиқди. Йўқ, ҳеч қаерда 46, 48-размерли спорт кийимлари йўқ.

«Ўзимга қолса размеримни ўзгартирган бўлардим, — деб ёнбди студент А. Ҳолиқов. — Фақат битта чатоқ томони бор. Ёшлик қилиб шу пайтдан уйланиб қўйганман. Хотиним қайсарроқ. Мана шу туришимнинг ўзи ёқармиш. Размеримни ўзгартирсам кетиб қоларкан, «Бизга шунақа ходовой размер ҳам бўлаверади» дейди. Нима қилишга ҳайронман».

Ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Енгил саноат министрлигидаги ўртоқлар, савдо тармоқлари «ходовой» размерли моллардан талабга қараб кўпроқ етказиб беришса, планлар ҳам «ходовой» бўлиб кетади.

Ўзи бориб қўя қолди

Садриддин Чилонзорда яшайди. Опаси Ҳадрада туради. Совуқ авжига чиққан кунлардан бирида Садриддиннинг онаси қаттиқ оғриб қолди. «Опангни чақир, кўргим келяпти» деб илтижо қила бошлади. Садриддин югуриб телефонга чиқди. 26-кварталда, «Москва» кафесининг олдида тўртта таксофон савлат тўкиб турибди. Бирига кириб қулоқ солди. Ўликдан садо чиқса чиқадики, ундан чиқмайди. Наригисига кирди. Яна ўша аҳвол. Учинчисига, тўртинчисига кириб чиқди. Аламидан аппаратни муштлаб кўрди. Ғинг деган—номард, деб безраиб турибди.

Садриддин юриб кетаётган трамвайга осилиб кейинги бекатга борди. Бу ердаги иккита телефон ҳам соқов экан. Яна трамвайга чиқди. Фарҳод бозори рўпарасида бешта телефон будкаси турибди-ю, нима учундир одамлар фақат биттасининг олдида навбат кутишяпти. Садриддин дуч келган будкага ўзини урди. Ғинг этган товуш йўқ. Иккинчисига кирган эди, ҳайрият гудок товуши эшитилди. Ҳовлиқиб икки тийинни ташлаши билан аппарат оч қолган балиқдек лиқ этиб ютиб юборди-ю, овоз ўчди. У навбатда турганларга ялина бошлади.

— Жон акалар, ойимнинг тоби қочиб қолди. Опамга қўнғироқ қилмоқчиман.

— Навбатга туринг! — деди телпак кийган йигит. — Менинг хотиним туғай деяпти. Телефон қилгунимча Ҳасан-Ҳусанни нақд қилиб қўйса ҳам ажаб эмас, 20 минутдан буён навбат кутяпман.

Садриддин яна трамвайга осилди. Дуч келган автоматларга кириб наф топмади. Охири автобусга ўтириб Бешёғочга келиб қолди. Кийим-кечак магазини ёнидаги автоматлар ҳам соқов экан. Хуноб бўлиб тўнғиллаётган эди, бир киши сўраб қолди:

— Телефон қилаётган жойингиз узоқми ўзи?

— Опам Хадрада турадни! — деди Садриддин тажанг бўлиб.

Бояги одам оғир-оғир бош чайқади.

— Қанақа жиниси ўзи?! Троллейбусга ўтириб беш минут юрсангиз опангизникига кириб борасиз. Телефон қилиш учун камида ярим соат вақтингиз кетади.

Садриддин шундай оддий фикр калласига келмаганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Опасини олиб чиқаётганида ҳар эҳтимолга қарши Хадра майдонидаги телефон будкаларига ҳам кириб кўрган эди, биронтасидан садо чиқмади.

«Шаҳардаги таксофонларнинг бу даражада ёмон ишлашига сабаб нима? — сўрабди газетхон С. Мирзаев. — Бири бутунлай ишламайдиган, бири чақа ўғирлайдиган бунақа аппаратларга қарайдиган мутасаддилар борми-йўқми? Ахир бошқа шаҳарларда ҳам бўлганмиз, ҳеч қаерда бунчалик аҳволни кўрмаганмиз».

Инсоф билан айтганда, газетхоннинг эътирози жуда тўғри. Шаҳримиздаги таксофонларнинг ярмидан кўпи ишга яроқсиз. Тасаввур қилинг, бирон корхона ишлаб чиқариши керак бўлган маҳсулотнинг ярмидан кўпини бермасин. Нима бўлади? Ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетмайдими? Шаҳар телефон станциясидаги ўртоқлар ҳам бундай автоматлар ишини назоратсиз қолдирганларни жудаям остин-устун қилмаса-да, қитиқлаб қўйишса ёмон бўлмасди.

ҲУШЁРБЕК.

● РЕДАКЦИЯГА ХАТ

«8» БИЛАН «11» ҚАЁҚДА?

М. Уйғур кўчасининг Кўкча ва «Марказ—26» кварталн оралиғидаги қисмида автотранспортлар бир томонлама қатнаётганлиги туфайли кўпинча трамвайдан асосий транспорт сифатида фойдаланардик. Кейинги пайтда бу ердан ўтадиган 1-трамвай маршрути қисқариб ЦУМдан ўтмайдиган бўлиб қолди. Бунинг натижасида Кўкчадан ўтадиган 8 ва 11-трамвай маршрутларида вагонлар сони кўпайиши ўрнига кескин камайиб кетди. Шунинг учун ҳам ҳозир Чорсу бекатида Кўкчага борадиган трамвайларни соатлаб кутиб қолаяпмиз. Ондасонда трамвай келганда тумонат одам ўзини унга уради. Бизга ўхшаган кексалар ва инвалидлар эса навбатдаги трамвайни яна кутиб қолаверамиз.

Масалан 26 январь кундуз соат бир ва иккининг орасида Чорсу бекатида 8 ва 11-трамвайларни 40 минут кутиб ҳам унга чиқа олмадик.

Хўш, шаҳар трамвай-троллейбус бошқармаси раҳбарлари 8 ва 11-трамвай маршрутида графикка риоя қилинишига қачон қатъий эътибор беришади?

И. НОСИРОВ,
пенсионер.

СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

24 февраль

Республикамиздаги барча сайлов участкаларида бўлгани каби институтимизда ташкил этилган агитпункт фаолияти биринчи қадамдан бошлаб, шу муҳим ишда фаоллик кўрсатишга, идеологик тарбиявий ишларни янада кенгроқ олиб боришга, ҳар бир сайловчига партиявий эътиқод билан ёндошишга қаратилган. Дастлабки кундан бошлаб ҳозирги кунгача агитация марказида савол-жавоб, консультация столи ташкил қилиниб, агитатор набатчилар, сиёсий ахборотчилар, педагог, врач, юрист-консультантлар иши мукаммал йўлга қўйилди.

Агитмарказ ва сайлов участкасининг иш планлари тузилган бўлиб, ҳар бир агитатор ҳамда шу ишга тааллуқли кишилар план билан таништирилиб чиқилган. Агитатор бурчаги ташкил қилиниб, бу ерда махсус кутубхона жиҳозланган. Сайловчилар ўртасида ишлаш учун тузилган оммавий-сиёсий ишлар планига, ундаги тематик лекцияларга КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми материаллари, Л. И. Брежнев нутқидан келиб чиқувчи хулосалар ва назарий фикрлар манба қилиб олинган.

КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисидаги қарорини сайловчилар ўртасида янада кенгроқ пропаганда қилиш борасида ҳам анчагина ибратли ишлар қилинмоқда.

Сайлов кампанияси даврида сайловчилар билан тематик кечалар, халқ номзодлари, революция ветеранлари, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда ишлаб чиқариш донгдорлари, фан арбоблари иштирокида учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Яқинда институтимиз мажлислар залида ва 1-ётоқхонасида Совет демократияси ва унинг афзалликлари» деган мавзуда фалсафа фанлари кандидати, доцент Зоир Гофуров ўтказган суҳбати, фалсафа фанлари кандидати Фозилжон Исмоиловнинг 2-ётоқхонада ташкил қилган «9-студия» тадбирлари диққатга сазовордир.

Тадбирларни амалга ошириш учун институтимиз партия комитети раҳбарлигида 90 дан ортиқ тажрибали сиёсий ахборотчи ва агитаторлар танлаб олинди. Уларнинг 80 процентдан кўпроғини коммунистлар ва комсомоллар ташкил қилади.

Агитация-пропаганда марказий ишини яхши йўлга қўйишда институтимиз ректорати, партия комитети, комсомол ҳамда касаба союз комитетлари яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

З. ДАВРОНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги 16-сайлов участкаси агитпункти мудири.

ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ

2 Тошкент оқшоми

15 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

«Планнинг муддатидан илгари бажарилиши учун оғишмай интилиш керак»

В. И. ЛЕНИН.

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛДАГИ ЎЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори мусобақадош район, онлар меҳнаткашларининг ғайрат-шижоатини ошириб юборди.

Тошкентнинг Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилини ленинчасига зарбдор меҳнат йилига айлантиришга қарор қилдилар, 1980 йил ва умуман беш йилликнинг халқ хўжалиги топшириқларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшишга қатъий аҳд-паймон қилишган. Шаҳардаги Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашлари белгиланган планларни муддатидан илгари, муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа бўйича шартнома тузиб, беш йилликнинг якунловчи йилига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Собир Раҳимов ва Киров районларининг яқинда бўлиб ўтган, 1979 йилдаги меҳнат беллашувига якун ясаб, келаси йил учун вазифалар белгилаган партия-хўжалик активи йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, социалистик мусобақа меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги ўсишига ёрдам берди. У меҳнат коллективларини илғор тажриба билан бойитди, ижодкорлик кайфиятини оширди, янги ютуқлар учун қулай шароитлар яратди.

Корхона ва ташкилотларнинг ўтган йилдаги хўжалик-иқтисодий фаолияти шундан далолат беряпти.

Киров райони ишчи коллективлари муддатидан илгари, 19 декабрда йиллик топшириқни бажардилар. Бу планга қўшимча 7.995 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг қарийб 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Ҳозир Киров районининг саноат корхоналарида 130 та буюм фахрли белги билан ишлаб чиқарилаяпти. Уларнинг салмоғи умумий маҳсулот ҳажмида 23,6 процентни ташкил этди.

Кўпгина саноат корхоналарида асосий фондлардан ва оборот маблағлардан фойдаланиш яхшиланди, брак камайди, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва сифати, рентабеллиги яхшиланди.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коллективлари иқтисодий ва социал тараққиёт планларини амалга ошира бориб, филиаллар ташкил этишди. Жумладан, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси Нукус ва Жиззах шаҳарларида, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси Бўка район марказида, «Ўзбексельмаш» бирлашмаси эса Пахтакор шаҳрида филиаллар ташкил этишди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бу йўлнинг самарадорлигидан қуйидаги мисол далолат беради: фақат ўтган йилнинг ўзида бу филиалларда 17 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхоналарни реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг илғор ютуқларини жорий этиш, тежамкорлик режимини кучайтириш бўйича планлар муваффақиятли амалга оширилаяпти. Райончаларнинг саноат корхоналарида 8 та автоматик ва механизациялашган поток линия, 180 та янги ускуна ўрнатилди. Фақат ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали 2 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий самарага эришилди.

Корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари 1.400 тонна қора ва рангли металл, 3 минг тонна шартли ёқилғи, 4 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр қуввати тежашди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари йил мобайнида 45 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштиришди.-Пудрат ишлари планини улар 110 процент бажаришди. 170 минг квадрат метрдан ортиқ шинам турар жой, 2 мактабгача болалар муассасаси, кўп профилли болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди.

Транспорт ташкилотлари ҳам чакки меҳнат қилишмади. Улар йиллик топшириққа қўшимча 80 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташишди, планга қўшимча 40 минг сўм фойда олинди.

Киров райони меҳнат коллективлари районлар ўртасидаги социалистик мусобақа якуни бўйича 1979 йилнинг иккинчи кварталида биринчи ўринни эгаллашди ва Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлишди.

Собир Раҳимов райони меҳнат коллективлари ҳам социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришди. Бу район саноат корхоналари кўп йилдирки қолоқларсиз ишлаяпти. Бу барча заводлар, фабрикалар, бирлашмаларга ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, маҳсулот реализация қилиш, шунингдек, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича йиллик планларни бажариш, топшириққа қўшимча 7.033 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконини берди. Планга қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот бу ерда 5,1 миллион сўмни ташкил этди. Унда маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 91,8 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат сифатини оширишда «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд» заводи, «Геологоразведка» заводи, «Турист» комбинати, бош киймлар фабрикаси, тажриба пиллакашлик фабрикаси, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар.

Қурувчилар ҳам социалистик мажбуриятларнинг муҳим бандларидан бирини муваффақиятли уддаладилар. СССР Конституцияси кунида — 7 октябрда пудрат ишлари планини бажардилар. 2 та янги мактаб, болалар боғчаси, ТошМИ шифохонаси корпуси, ТошДУнинг биология факультети, кинотехникумнинг ўқув корпуси, 29-АТС фойдаланишга топширилди. Район аҳолиси 34 минг квадрат метр шинам турар жойга эга бўлди.

Киров районида асбобсозлик заводи (директори О. Тошматов, партбюро секретари Т. Варавина) маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация бўйича планни бажаролмади. Моддий-техника таъминоти ёмонлиги, меҳнатни ташкил этиш даражаси пастлиги салбий таъсир кўрсатди. Маҳаллий саноат бошқармасига қарашли тўқимачилик-галантерея фабрикасида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича йиллик топшириқ бажарилмади.

Шаҳар ремонт-қурилиш трестида, 1 ва 2505-автокорхоналарда бригада пудрати методи суст жорий этилаяпти.

Агрегат заводи, Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, ўйинчоқлар фабрикаси асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик топшириқни бажарсалар ҳам, мажбуриятларнинг муҳим бандларидан бўлган планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича вазифани уддалашолмади.

Қурилиш материаллари саноати трестига қарашли ёғочни қайта ишлаш комбинати, металлни қайта ишлаш бирлашмаси, Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси беш йиллик планда белгиланган ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатидан анча орқада қолишаяпти.

6-қурилиш трести бунёдкорлари бош пудрат ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича давлат топшириғини бажаролмадилар, иш ҳақи фондидан фойдаланишда ортиқча харажатга ва зиёнга йўл қўйдилар.

Йилдан йилга бу ерда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб боряпти. 7-қурилиш бошқармасида кадрлар қўнимсизлиги «рекордли» рақамни — 55,3 процентни ташкил этди. Трестда объектларни кафолат мактубисиз топшириш деқ ярамас одат ҳамон мавжуд.

Пассажир транспорти ишида ҳам нуқсонлар бор. 3 та 5-автопарклардa маршрутдаги машиналарнинг график бўйича юришига риоя қилинмайди.

Собир Раҳимов алоқа узели хўжаликлар билан узлуксиз телефон алоқасини таъминламаяпти.

Ишнинг манфаатлари олдинда турган проблемалар ва ҳал этилмаган масалаларга партиявий ёндошиш, асосий эътиборни ишлаб чиқаришдаги аҳвол танг бўлган жойларга қаратишни тақозо этади.

Чунки фақат Собир Раҳимов районининг ўзида янги йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 процент ортади. Маҳсулот сифати ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилади.

Киров районида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ишлари ҳамда транспортда юк ташиш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан ўсади. Бу корхоналарнинг ташкилий-техник тадбирлар планида бир қатор техник янгиликларни жорий этиш, машина паркидан фойдаланиш даражасини ошириш кўзда тутилган. Бу меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш, қўл меҳнатини, қийин иш жараёнларини механизациялаш имконини беради.

Район қурувчилари тамаки фабрикасининг бош корпусини, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг Олмалиқдаги филиали қувватларини ишга туширишлари, «Узбексельмаш» заводида 3-цехни реконструкция қилишни тугаллашлари лозим.

Кировликлар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан нишонлашга тайёрланишмоқда.

Жумладан, 6 цех, 72 участка, бригада, шунингдек райондаги 3 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғори ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириғини 22 апрелда бажариш бўйича мажбурият қабул қилишди.

Шу кунниг вазифаси барча мавжуд резерварни ишга солишдан, социалистик мусобақа натижасида юзага келадиган қимматли тажрибаларни қўллаб-қувватлашдан, оз маблағ ва куч сарфлаб план топшириқларини бажаришдан иборатдир.

Олға интилиб, катта ютуқларга эришайлик

Ишчи коллективларининг юксак марраси

Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича планни Киров райони шу йил 24 декабрда, Собир Раҳимов райони 20 декабрда бажарди ва планга қўшимча бири 3,5 миллион сўмлик, иккинчиси 4,5 миллион сўмлик маҳсулот беради; ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 4,2 процент ва 6,5 процентни ташкил этади.

Меҳнат унумдорлиги 1980 йил планига нисбатан 1,5 процент ва 0,2 процент ўсади.

Киров ва Собир Раҳимов районларининг ҳар иккисида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилади. Фойдаланишга топширилган турар жойлар: 89 минг квадрат метр ва 98 минг квадрат метр.

Қурилиш-монтаж ташкилотларида Н. Злобин методи асосида ишлаётган бригадалар сони Киров районида 30 тага ва Собир Раҳимов районида 43 тага етказилади. Бу бригадаларда ишлаётган ишчилар миқдори эса 450 ва 865 кишини ташкил этади.

Икки районнинг транспорт ташкилотлари юк ташиш планини 26 декабрда бажаришади.

Топшириққа қўшимча 80 минг тонна ва 135 минг тонна юк ташилади. Район автохўжаликларида планга қўшимча қуйидаги миқдорда даромад олинади: 70 минг сўмлик ва 1.250 минг сўмлик.

Киров райони корхона ва ташкилотларида турли касбдаги 2800 ишчи, Собир Раҳимов районида 3200 ишчи тайёрланади. Ишчилар, инженер-техник ходимлар малакаси оширилади: 21800 киши ва 16900 киши.

Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларидаги оталиқдаги колхозлар ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда, бинолар қуришда ва бошқа юмушларда 700 минг сўмлик ва 400 минг сўмлик ёрдам кўрсатилади.

«Бир беш йилликда — ники беш йиллик топшириғи» шиори остидаги социалистик мусобақага биринчи районда 20 киши, иккинчи районда 400 киши жалб этилади.

Киров районида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қадар 72 участка ва бригада, 3 минг ишчи, Собир Раҳимов районида эса 207 участка ва бригада, 8255 ишчи беш йиллик топшириғини бажаради.

«Беш йиллик план — СССР Конституциясининг уч йиллигига қадар» шиори остидаги социалистик мусобақага 3 ва 10 та корхона, 16 ва 39 цех, 83 ва 215 бригада, 7 минг ва 15200 ишчи жалб этилади.

«Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остидаги социалистик мусобақага Киров районида 19 корхона ва ташкилот, 95 цех, 862 участка ва бригада, 1800 ишчи; Собир Раҳимов районида 42 корхона ва ташкилот, 128 цех, 866 участка ва бригада, 15.900 ишчи жалб этилиши таъминланади.

РАЙОНЛАРНИНГ САНОАТИ ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИНИ МАҲСУЛОТ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАЖМИ БЎЙИЧА ШУ ЙИЛНИНГ 7 НОЯБРИДА БАЖАРАДИ.


ЦЕХЛАР, БРИГАДАЛАР ВА ИШЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ЎН КУНДА; КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДА ЭСА ҲАР ОЙДА ЯКУН ЯСАЛАДИ. МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ РАЙОНЛАР ЎРТАСИДА БАЖАРИЛИШИГА ҲАР КВАРТАЛДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

Г. Ҳайдарова — Ўзбекистон КП Киров район комитетининг секретари; **Ж. Жонибеков** — Киров район Совети ижроия комитети раиси; **С. Алиев** — Ўзбекистон ЛКСМ Киров район комитетининг секретари; **Г. Аделев** — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; **И. Суздальцева**—«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористқаси; **В. Димов** — 11-«Висотстрой» қурилиш трести комплекслаштирган бригадаси бошлиғи. **З. Абдураҳимов** — Ўзбекистон КП Собир Раҳимов район комитетининг секретари; **М. Зуфаров** — Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси; **М. Жалолов** — Ўзбекистон ЛКСМ Собир Раҳимов район комитетининг секретари; **Х. Тожиев** — «Миконд» заводи директори; **В. Тарантерова** — «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси; **С. Котов** — 6-қурилиш трести бригадири.

ТОШКЕНТ тарихидан 100 лавҳа

Қорли Чимён ҳақида

47-лавҳа



Шўх Чирчиқ дарёсининг қирғоғида дастлабки кулбасини қурган ўша номаълум кўчманчига раҳмат. Чунки у ана шу табиат қучоғида бир умрга қолган. Ўша одам бундан бўлак яхши жойни топа олмаган. Асрлар бўйи деққоннинг жафокаш қўлини қитиб ётган саховатли ер, азим тоғлар, айниқса оқаётган дарё, саховатли табиат уни мафтун этиб, кўчманчилик тақдирини мутлақо ўзгартириб, ўтрор бўлиб қолишга даъват этган. Тоғлар ям-яшил либосга ўраліб кетган теналиклар орқасида жойлашган бўлиб, ҳамиша бошига ўраган оппоқ салласи билан маҳлиё этади.

Орадан минглаб йиллар ўтган бўлса ҳам, одамлар бу воҳани тарк этишмади. Тоғлар аввалгидек ўзининг ҳаётбахш суви билан воҳани бахраманд этмоқда. Ана шу тоғ бағридан унча узоқ бўлмаган жойда бизнинг азим Тошкент шаҳримиз жойлашган. Бу тоғлар ана шу шаҳримизни саҳароларининг диққинафас шамоли ва тўзонидан сақлаб турали, ёзнинг жазирама кунларида ўзининг салқин ҳавосини пуркайди. Ҳар тонг эрталаб дераза-дан тоғ томонга энгоҳ ташласак ўша қадимги кўчманчини банд этган тоғ ўркачларининг қуёш нурида шаффоф бўлиб жилваланишини кўрамиз.

Ҳар бир тошкентлик ана шу тоғ бағрида мириқиб ором олишни, ёзнинг майин ва

даволаниш маскани сифатида анча вақтлардан буён тошкентликлар диққатини жалб этиб келмоқда. Утган асрнинг 70-йиллари охирида Чимёнда курорт ишларини ташкил этишга асос солинди. Аскарлар орасида турли касалликлар азбароби кўпайганлигидан ташвишланган ҳарбий маъмурият Ўрта Осиёнинг турли тоғли районларида иқлим станцияларни ташкил этишга киришди. Ўш, Ҳайдаробод, Ўртатепа ана шундай вужудга келган. Уларнинг орасида Чимён ҳам бўлган. 1879 йиллаёқ Чимёнда бемор аскарлар учун ҳарбий-санитария станцияси ишлаган. Тоғ бағрида казарма типидаги еттита барак қурилган. «Курорт»нинг территорияси икки қисмга бўлинган бўлиб, — биринчисидаги баракларда 30 та бемор жойлашган, иккинчи қисми эса тошкентлик пулдор кишиларнинг ором масканларини қуриш учун ажратиб берилган. Шаҳардан у ерга тупроқ йўл олиб борарди. Ғирчиллайдиган арава 90 чақирим масофани 38 соатда босиб ўтган. Извозчикда бирмунча тезроқ етиб бориш мумкин бўлган. Унинг баҳоси 25 сўм бўлган. Шаҳар ҳокимлари Тошкент ва Чимён оралиғида киракаш араваларнинг қатновини йўлга қўйиш учун кўп бош қотиришган. Лекин бу иш амалга ошмаган.

Октябрь революциясидан кейин курорт Туркистон Халқ соғлиқни сақлаш комиссарлиги қарамоғига ўтказилган. Тўғри, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Чимён дам олувчиларни қабул қилиш даражасида бўлмаган. Курорт босмачиларнинг ҳамласига икки марта учраган. Унинг бутун мулки ўтирлаб кетилган, бинолари эса вайрон этилган.

1923 йилда ана шу курорт секин-аста вайронадан қад кўтара бошлади. Худди шу пайтда Чимён умумдавлат аҳамиятидаги курорт деб эълон қилинган эди. Бараклар қаторида ошхона, қуёш нурида даволаш хоналари, ҳатто ихчамгина театр саҳнаси қурилган. Орадан бир йил ўтиши билан бу ерда 237 тошкентлик саломатлигини яхшилаган. 1936 йилнинг ёзида Чимён улуғ рус шоири Пушкиннинг юбилейи арафасида Тошкентга келган ўнлаб фахрли меҳмонлар— ўзбек ва рус ёзувчиларини меҳмонхонавозлик билан кутиб олди. Тоғ ўркачлари орасидан сизиб чиқаётган кўпгина чашмалар— ўн иккибулоқ қишлоғида мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ҳақида, серқуёш ўлкамизнинг сановатли табиати ҳақида ширин мисралар битилди. Ўша пайтда у ерда бўлган шоир ва ёзувчиларда Чимён ҳақида унутилмас таассуротлар қолди.

Талантли адибимиз Ойбекнинг кўпгина шеърларида ҳам ана шу Чимённинг гўзал манзаралари моҳирлик билан битилганлигини кўрамиз.

Кейинги пайтларда саёҳат ишқибозлари Чимённи яна беҳад севиб қолишди. 1961 йилда улар бу ерда палаткали шаҳарчани қуришди. Орадан саккиз йил ўтиши билан туристик базанинг йигма-шчитли уйлари қад кўтарди. Қоялар узра осма йўл ўрнатилди.

1979 йилнинг ёзида Тошкент қурувчиларининг катта бир группаси бу ерда ўзининг иш жойини ташкил этди. Шундай қилиб, Чимёнда осмонўпар меҳмонхона комплексини қуриш бошланди. Дастлабки тўққиз қаватли «осмонўпар» ҳадемай тайёр бўлди. Ана шу бино олдидан тоғ чўққилари узра яна бир осма йўл тортилди. унинг атрофида эса савдо ва умумий овқатланиш корхоналари жойлаша бошлади.

Шаҳарликлар одатда баландликка чиқишда бирмунча қийналадилар. Лекин шунга қарамай 10 минглаб тошкентликлар дам олиш кунларини мароқли ўтказиш мақсадида шу ерга оқинқишади. Қизилжар тоғининг чўққисидан водийга нигоҳ ташласангиз дарёлар, ўрмонгоҳлар ва турна-қатор машиналарни кўрасиз. Ўн иккибулоқда ҳамиша юзлаб автобуслар, автолавкалар, чодирлар кўзга ташланади. Кабобнинг ҳиди анқийди. Нуроний отахонлар чойхонада бамайлихотир ўтириб чойхўрлик қилишади. Одамлар даврасида ҳамиша музика, қўшиқ янграйди. Атрофда эса чанғичилар, чаначилар-нинг ҳайқиришини эшитиш мумкин.

Якшанба тонг отарида кўҳна чўққилар қуёш нурида қизариши билан машиналар карвони тоғ йўлида пайдо бўлади. Булар Чимёнга йўл олишган тошкентликлардир.

А. ТЮРИКОВ.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Янги энергетика қувватлари

ПРАГА. Бу йил ЧССР халқ хўжалиги яна 1,3 миллион киловатт-соат энергетика қуввати олди. КПЧ XV съезди белгилаган беш йиллик план топшириқлари тўла бажарилади.

Қурувчилар ва фойдаланувчиларнинг асосий куч-ғайрати Чехословакияда биринчи «Мельник-3» электростанциясида 500 минг киловатт қувватга эга бўлган энергоблок қурилишини тугаллашга қаратилган. Бу объект ёшларнинг зарбдор қурилиши, деб эълон қилинган.

Бу йил шунингдек «Прунеров-2» буғ электр станцияси, Словакиядаги «Черний бар» гидроэлектростанцияси ва бошқа объектлар қуриб битказилади.

Вазифа ҳал этилмоқда

БУДАПЕШТ. Венгрия пўлат магистралларининг меҳнаткашлари бу йилги изгирин қиш ва қалин ёққан қорга қарамай ўз олдиларига қўйилган вазифани муваффақият билан бажармоқдалар. Мамлакат темирйўлчилари қиш ойларида корхоналарнинг буюртмасига мувофиқ дастлабки тарзда юк ташиб келтириш хизматини ташкил этиб, мумкин қадар йилнинг иккинчи ярмига кўпроқ «мустаҳкам запас» тўплашга интилмоқдалар. Маълумки, йилнинг иккинчи ярмида юк ва пассажирлар ташиш ҳажми ғоят ортади. «Волан» автомобиль транспорт фирмаси билан мустаҳкам амалий ҳамкорлик бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ёрдам бермоқда.

1980 йилда Венгриянинг темир йўллари орқали 137 миллион тонна халқ хўжалик юкларини ва 290 миллион пассажир ташиш мўлжалланади. Тоборо кўпайиб бораётган вазифаларнинг уддасидан чиқиш учун пўлат магистраллар меҳнаткашлари замонавий иш усулларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Меҳнаткашлар саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик

УЛАН-БАТОР. Меҳнаткашларни санаторий ва курортларда даволаш учун тобора кўпроқ маблағ ажратиш халқ Монголиясида давлат социал страхованиесининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу йил шу мақсадлар учун 34,5 миллион тугрик маблағ ажратилди. Касаба союзлари шифохоналарида 60 мингдан ортиқ меҳнаткаш ўз отпускасини текин ва имтиёзли шартлар билан ўтказди. Монголия мактаблари ўқувчиларидан 18 мингга яқин бола ёзги каникул вақтларида пионер лагерларида дам олади.

ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

ДАККА. «Нотун Бангла» газетаси СССР билан Бангладеш ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кунининг саккиз йиллигига бағишланган редакцион мақоласида Совет—Бангладеш муносабатлари икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қила олади, деб ёзади. Совет Иттифоқи мустақил Бангладеш республикаси тузилганлигини қўллаб-қувватлади ва СССРнинг Бангладеш халқига берган ёрдами тўғрисида империалистлар ва маочилар пропагандасининг ҳар қандай уйдирмаларига қарамай миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқининг бегараз иш кўрганлигини тарих яққол исбот этди. Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Советларга қарши васвасани кучайтирган кишилар буни эсласалар фойдали бўлар эди, деб уқтириб ўтади газета. Совет Иттифоқи афғон халқига бегараз ёрдам бериш ва апрель революциясининг ғалабаларини ҳимоя этиш иштиёқигина амал қилмоқда, деб таъкидлайди «Нотун Бангла».

Бангладешдагилар мамлакат учун оғир дамларда совет халқининг берган бебаҳо ёрдамини сира ёддан чиқармайди. Чittагондаги денгиз портини тозалаш натижасида Бангладеш аҳолиси амалда очарчилик хавфидан халос бўлди. Мамлакатдаги барча электр энергиянинг бешдан бир қисмини ҳосил қилаётган Горосалдаги кучли буғ электр станциясининг ишга туширилиши, Жанубий Осиёда энг катта электр техника заводларидан бирининг қурилиши — Совет — Бангладеш ҳамкорлигининг намуналаридир. Совет Иттифоқи, шунингдек Бангладеш ҳам халқаро майдонда тинчтотув яшаш, тенглик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш принципларига амал қилмоқда, деб ёзади «Нотун Бангла» газетаси.



ГФР. Тобора кўплаб ғарбий германияликлар НАТО ҳарбийларининг Европа қитъаси билан боғлиқ машъум режаларига мамлакат демократик жамоатчилигининг куч-ғайрати билан-гина тўсқинлик қилиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

СУРАТДА: Дортмундда бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари Америка ядро-ракета қуролларининг жойлаштирилишига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бепоён шоми

15 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/II да **Олмаснинг яратилиши**, 16/II да **Борис Годунов**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Қиёмат гарз**, 16/II да **Соқов рицарь**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/II да **Қизил дурралы нозик ниҳолим**, 16/II да **Тўйдан олдин томоша**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Можаро**, 16/II да **Фақат аёл сотилмайди**.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

К О Н Ц Е Р Т

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулсара ЭҚУБОВА

Солистлар: Шерали ЖЎРАЕВ, опа-сингил, Олмагул ва Урбугул СУИЕРБОЕВА, Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Гуломжон ДАДАХОНОВ, Аҳмаджон Шарипов, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Клара ХЎЖАЕВА, Валентина ПАШКОВА, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«Лазги» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.

«ЛАЗГИ» ансамблининг балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — Нажот ТЎРАХЎЖАЕВ.

Программани — Ўғилой ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

(2 бўлимда)

«БУГУН ВА ҲАР КУНИ»
АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА
ВАЛЕРИЙ КУЗЬМИН РАҲБАРЛИГИДА
ЎРГАТИЛГАН ТИМСОҲЛАР.
БЎҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ.

Донмо манежда масхарабоз хазиллари ва репризлари.

Таниқли масхарабоз, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Евгений МАЙХРОВСКИЙ ижросида интермедиялар.

Томошалар: соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари, колхозлар, совхозларнинг заявкалари бўйича билетлар кассирлар томонидан жойларга бориб сотилади.

44-35-84 телефон номери бўйича заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА

«ХАВФЛИ ДЎСТЛАР»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИДА НАМОЙИШ ҚИЛАДИ



Фильм воқеалари қаттиқ режимлик аҳлоқ тузатиш-меҳнат коллониясида содир бўлади. Жиноятчилар бу ерда зарарсизлантирилган. Шундай бўлса ҳам улардан баъзи бирлари шу шароитда ҳам хавфлидирлар. Асосан бошқа қамалганлар учун «Мосфильм»да битта ҳам кадр суратга олинмаган: уч йилим ой давомида ҳақиқий аҳлоқ тузатиш-меҳнат коллониясида суратга олинди. Оммавий саҳналарда қамалганлар иштирок этадилар. Томошабинлар уларни ётоқхонада, мактабда ва клубда кўрадилар.

Сценарий автори — ИГОРЬ РОШЧУК.
Режиссёр — В. ШАМШУРИН.
Оператор — А. ТЕМЕРИН.
Ролларда: Л. ПРИГУНОВ, В. ВЕЛЬЯМИНОВ, Г. ТОНУНЦ, Т. СЕМИНА ва бошқалар қатнашадилар.



«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа — ўргатилган тимсоҳлар: БЎҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ (19.30).

КИНО

15 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МИЛЛИОН ИЖОДКОР» — Чайка.

«ДИҚҚАТ, БЕКАТ!» — Қозоғистон.

«ОЛТИН ЗВЕНО» — Ҳамза номли.

«ҚАЛБЛАРИМИЗДА ЛЕНИН» — Дружба.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«САВОЯ»НИНГ ЎГИРЛАНИШИ» — **Қозоғистон** (жавоб берувчи, автомат 35-24-92), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 33-44-52), **Москва** (15, 17, 19, 20.40, жавоб берувчи автомат 33-05-01), **Дружба** (19, 21.00, телефон 66-13-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **Нунус** (тоқ соатларда жавоб берувчи автомат 44-70-69), **Навоий номли** (16.40, 18.40, телефон 44-30-41).

16 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МИЛЛИОН ИЖОДКОР» — Чайка.

«БОЛАЛАРНИ АСРАНГ!» — Москва.

«МУҚАДДИМА» — Лисунов ном. ли.

«ОЛТИН ЗВЕНО» — Ҳамза номли.

«ҚАЛБЛАРИМИЗДА ЛЕНИН» — Дружба.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАНДИ» — **Санъат саройи** (ечиқ зал, 12, 14, 17, 19.45, жавоб берувчи автомат 41-39-51), **Искра** (17, 19.45, телефон 39-11-76).

«САВОЯ»НИНГ ЎГИРЛАНИШИ» — **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат 35-24-92), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 33-44-52), **Москва** (11.30, 13, 15, 17, 19, 20.40, жавоб берувчи автомат 33-05-01), **Дружба** (11, 12, 19, 21.00, телефон 66-13-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20).

Тошкент шаҳар ноҳия комитети ҳузуридаги
ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИНИНГ 2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН **5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА**

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Стипендия — 60 сум.

Ўқишга қабул қилинганлар формали кийим-бош (кийимининг 50 процентн тўланади), **трамвай ва троллейбусда бепул юриш ҳуқуқи билан таъминланадилар.**

ЕЛҒИЗЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 4-уй.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ УҚУВ КОМБИНАТИ

МИНОРАЛИ КРАНЛАР ВА ЭКСКАВАТОРЛАРНИНГ МАШИНИСТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 18 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ИИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА 75 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Елғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрида прописка билан таъминланадилар.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОШҚАРМАЛАРИДА ИШЛАЙДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри —70, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй («Радость» магазини қаршисида, 18, 54-автобуслар, 9, 13, 15, 16-троллейбуслар, 4, 9, 7, 11, 14, 24, 28-трамвайларда бориш мумкин).

УЙ САРТАРОШХОНАСИ УЧУН



СИЗГА СОҚОЛ ОЛИШДА ЧАККАДАН ЎСИБ ЧИҚҚАН СОЧНИ, МУЙЛОВНИ СОҚОЛНИ РОСТЛАШДА, БУЙИНДАГИ СОЧНИ ОЛИШДА МОСКВАДАГИ «МИКРОМАШ» ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

«МИКМА» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ ЁРДАМ БЕРАДИ.

«МИКМА» электр устарасида комфортлиги оширилган бир қанча элементлар бор: жумладан, унинг тўри юпқа, устарасида эса қисқа муддатда тозалаб соқол олиш мумкин. Устарага ўрнатилган қирқиш блокида мўйловни, соқолни, чаккадан ўсиб чиққан сочни қирқиб тўғрилаш мумкин.

«МИКМА» доимий ва ўзгарувчан токда ишлайди.

«МИКМА»дан фойдаланиш қулай, ташқи кўриниши эса ҳозирги замон эстетикаси талабларига жавоб бера олади.

«МИКМА»дан эҳтиёт қилиб, қондага биноан фойдаланилса, ўнлаб йилга чидайди.

Қўшимча тўри билан бирга баҳоси — 31 сўм.

Сизнинг уй сартарошхонангиздаги асбоблар ёнига соч оладиган электр машинкани ҳам қўшиб қўйишни тавсия этамиз. У ҳам Москвадаги «Микромаш» заводида тайёрланмоқда.

Электр машинка билан муомала қилиш оддий ва қулай, вақтни тежайди. Товушсиз ишлайди. Давлат Сифат белгиси берилган.

Баҳоси — 35 сўм.

Ишлаб чиқарувчи завод бу асбобнинг магазиндан харид қилинган кундан бошлаб 18 ой давомида тинимсиз ишлашига кафолот беради.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«МИКМА» ЭЛЕКТР УСТАРАСИНИ ҲАМДА СОЧ ОЛАДИГАН МАШИНКАНИ ГУМ, ЦУМ, САВДО МАРКАЗЛАРИ, «ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«МИКМА» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ ВА СОЧ ОЛАДИГАН МАШИНКА ХАРИД ҚИЛИШ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН «УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ БАЗАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

СОТУВЧИЛИК КЕРАКЛИ КАСБ

Шаҳримиз ўсиб, чирой очиб бормоқда, янги-янги кўчалар, хиёбонлар, боғ-роғлар барпо этилмоқда. Янги-янги турар жой кварталлари кўз ўнгимизда юксалмоқда, улар билан бирга янги-янги магазинлар қурилмоқда.

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР!
САВДОДА ИШЛАШГА КЕЛИНГИЗ!

Сотувчилик касби — ҳаммабоп ва керакли касблардан биридир.

Бу касб алоҳида билим, меҳнат кўникмаси ва тажрибасини талаб қилади.

Яхши сотувчи товарларни тезда харидорга олиб беришдан ташқари, унинг афзаллиги ҳақида айтиб бериши, янгиликлар билан қизиқтириши ҳам керак. Бунинг учун сотувчи кишилар билан бўлган бир дақиқалик муносабатда уларга эътиборли ва ғамхўр бўлиши керак. Бундай фазилатлар айниқса хотин-қизларда мужассамлашган!

АГАР СИЗ СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ,

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

ОЛТИ ОЙЛИК ЎҚУВ МОБАЙНИДА СИЗ ҲУЖАЛИК ҲАМДА МАДАНИЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛИШ КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙСИЗ.

Мактаб-магазин — бу ўқув амалий машғулот билан қўшиб олиб бориладиган савдо корхонасидир. Тажрибали ўқитувчилар товаршунослик савдо хизмати кўрсатиш, савдо эстетикаси, психология, совет ҳуқуқи асосларидан лекциялар ўқийдилар. Амалий машғулот пайтида эса, иш учун зарур бўлган кўникма оласиз.

47-мактаб-магазинда мингдан ортиқ мутахассислар тайёрланган. Мактабни битириб чиққанлар «Ташхозкультторг» магазинларига ишга юборилади. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда катта сотувчи, бўлим мудири бўлиб ишлашмоқда.

Мактаб-магазин совет савдо техникуми ва институтига ўқишга йўлланма беради.

Мактаб-магазин синфлари ўқув учун зарур кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшилади.

Мактаб-магазинга 10 синф маълумоти бўлган қизлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар. Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлишлари шарт.

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат, паспорт, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см).

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар учун қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин:

47-мактаб-магазин адреси: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй (2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобуслар, 4, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон: 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»



«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Аслида йўқ шаҳардаги саргузашт». Телевизион бадиий фильм». «Белорусфильм». Давлат телерадиосининг суюртмасига биноан. 1974 й. РСФСР халқ артисти В. М. Леонтьевнинг кириш сўзи билан бошланади. 19.15 «Дуке воқеалари». 19.30 «Сайловдан — сайловгача». 19.40 XIII қишки Олимпия ўйинларида Хоккей. СССР — Голландия терма командалари. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 «Санъатнинг сеҳрли кучи». Телевизион бадиий фильм. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан, «Ленфильм». 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 — 00.20 Анна Герман куйлайди.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм (Польша). 18.30 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз». 18.55 «Меҳнат интизоми — ишчининг виждони». Октябрь революцияси заводидан репортаж. 19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». Ж. Шарипов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ҳасан Ражабов куйлайди. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Оламда нима гап!» Халқаро воқеалар шарҳи. 22.45 С. Василенко. М. Ашрафий. «Бўрон». Операнинг саҳнага биринчи маротаба қўйилганлигининг 40 йиллиги олдидан (рус.). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Оила ҳуқуқи». 20.55 «Шу ерда рақсга ўргатишади». Хореография билим юртидан репортаж (рус.). 21.25 Абитуриентлар учун. Математика. 22.25 «Номингни унутма». Бадиий фильм («Мосфильм» ва «Иллюзион». Польша).

16 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.10 «АБВГДейка». 10.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.10 «Скрипка миниатюралари». Халқаро конкурслар лауреати О. Крис ижро этади. 11.25 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.55 «Спортлото» тиражи. 12.10 «Поэзия». 13.00 «Мусиқий абонемент». Ф. Шопен. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист, профессор В. Горностаева олиб боради. 13.45 «Москвичка». Телевизион клуб. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Қўғирчоқ омборхонаси». Кўрсатувни биология фанлари кандидати Г. М. Проскурякова олиб боради. 16.15 «Киролича — тиш чўткаси». Мультфильм. 16.35 «Время» программасининг почтаси. Кўрсатувни шарҳловчилар Е. Синицин, Д. Беловлар олиб боради. 17.10 «Хатларингиз асосида». Музикали программа.

17.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Кўрсатувни профессор С. П. Капица олиб боради. 18.55 В. Стефаника номли Ивано — Франковск педагогика институти «Гуцулочка» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 19.10 «Бизнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Летунов олиб боради. 19.55 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». А. Г. Венецианов. (Туғилган кунининг 200 йиллигига). 20.30 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Фигурали учиш. Жуфт бўлиб учиш. Қисқа программа. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 «Санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти». Концерт тугагач (23.50) — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари.

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Юмор телевизион театри». В. Буриличев. «Ёнгил фожиа». 10.50 «Ўзбекистон Олимпия йилида». Спорт программаси. 11.20 «Орол оҳанглари». Фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 12.15 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. «Ленин янги типдаги пролетар партиясининг асосчиси». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 12.45 Ота-оналар университети. 13.15 «Тенгдошларинг ижодидан».

18.15. Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Довюрак чигиртка». Мультфильм. 18.30 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.00 «Ҳайкалтарош Дамир Рўзибоев (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва «Время» информацион программаси. 22.15 Телевидение экранида биринчи марта. «Тандир ийъоми». Кинокомедия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан» (рус.). 17.45 Кинокэкран янгиликлари. 19.00 «Инсон. Автомобиль. «Йўл» — 19.25 «Новости» информацион программаси. 19.40 Ёшлар учун ҳарбий спорт программаси. 20.40 «Ахбор» информацион программаси. 21.00 Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Ҳамроқулова куйлайди. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66, саноат 32-53-83, қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81, ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70, эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

15 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р — 07081. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б — 2056. 5